

ЁШЛАРНИ ИНТЕРНЕТДАН ФОЙДАЛАНИШ МАДАНИЯТИНИ ОШИРИШ

Савурова Шахризода Абдумалик қизи¹, Савуров Мустафо Икром ўғли²

¹А.Қодирий номидаги ЖДПИ, Технологик таълим йўналиши 1-босқич
магистри, ²А.Қодирий номидаги ЖДПИ, 4-босқич талабаси, Жиззах,

Ўзбекистон

e-mail: savurovashahrizoda@gmail.com

Annotatsiya: Бугунги кунда ёшларни интернет тармоқларидан фойдаланиш маданиятини ошириш давр талаби.

Kalit soʻzlar: Инсон, маданият, маънавият, таълим-тарбия, илм-маърифат, ахлоқ, одоб, фарзанд, ота-она.

Аннотация: Повышение культуры использования Интернет молодыми людьми сегодня – требование времени.

Ключевые слова: Человек, культура, духовность, образование и обучение, научное образование, поведение, учтивость, ребенок, родитель.

Annotation: Raising the culture of Internet use by young people today is a requirement of the times.

Keywords: People, culture, spirituality, education, science education, ethics, decency, a child, the parent.

Бугунги кунда олдимизга кўйган буюк мақсадларимизга, эзгу ниятларимизга эришишимиз, жамиятимизнинг янгиланиши, ҳаётимизнинг тараққиёти ва истиқболи, амалга оширилаётган ислохотларимиз, режаларимиз самараси, тақдири, авваламбор, замон талабларига жавоб берадиган юқори малакали, онгли, мустақил фикрловчи, ижодкор мутахассис кадрларни тайёрлаш муаммоси билан боғлиқ. Ёш авлодни етук баркамол шахс қилиб шакллантиришда эса педагогик, психологик билимларнинг ўрни бекиёсдир.

Глобаллашув ҳақиқатда инсоннинг нафақат моддий ҳаёт тарзига, шу билан бирга маънавияти, руҳий оламига ҳам сезиларли таъсир ўтказмоқда. Ҳар куни виртуал маконда бир неча миллиондан зиёд ахборот ресурсларининг пайдо бўлиши, унинг ҳар дақиқа сайин ўсиб бораётганидан далолат беради. Глобал тармоқ афзалликларини инкор этмаган ҳолда, унинг инсоният маданиятига туғдираётган ҳавф-хатарлари тўғрисида сўз юритишга тўғри келади. Бу нохуш ғайриинсоний ҳолатлар муайян кучларнинг глобал тармоқдаги ахборотларни сифатли ва тез узатиш ҳамда таркатиш бўйича имкониятлардан фойдаланиш орқали жамоатчилик фикрини тўғри йўлга буриш, ўзлари тарғиб этаётган нопок ғоя ва манфаатлар томон йўналтириш учун уларга ахборот етказиш борасида олиб

бораётган ҳаракатлари билан боғлиқдир. Сўзсиз, бундай таъсирга интернет аудиториясининг энг фаол, энг кўп қисми тафаккури етилиб, дунёқараши пухта шаклланиб улгурмаган ёшлардир. Таассуфки, ана шундай жиддий муаммони мукамал ва тизимли ўрганишга етарли эътибор берилмаяпти. Биринчи президентимиз Ислом Каримовнинг "Юксак маънавият - енгилмас куч" асарида, "Бугунги кунда инсон маънавиятига қарши йўналтирилган, бир қарашда арзимас туюладиган кичкина хабар ҳам ахборот оламидаги глобаллашув шиддатидан куч отиб, кўзга кўринмайдиган, лекин зарарини ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайдиган улкан зиён етказиши мумкин" [1]. Бундан шу нарса англашиладики, ҳозирда ҳар қандай ахборот чегара билмаслик ҳусусиятига эга, шундай экан эндигина онги, дунёқараши шаклланаётган ёш авлодни маънавий олами дахлсизлигини асраш муаммо бўлиб кўпчиликни ўйлантираётир.

Агар яқин ўтмишимизда асосий ахборот манбалари сифатида даврий босма нашрлар, радио ва телевидение бўлган бўлса, айти пайтда бу қатордан интернет мустаҳкам жой олди ва қисқа фурсатдаги жадал ривожини билан том маънода улардан илгарилаб кетди.

Бугун юртимизда 1053 та Интернет-кафе, 945 та Интернет провайдер, 187 та ахборот-ресурс маркази, [2] «ZiyoNET» ёшлар ахборот портали фаолият юритмоқда. Интернетдан фойдаланувчиларнинг сони эса 9 миллиондан ошган. [3]. Баъзи бир таҳлилларга кўра уларнинг 80 фоизини ёшлар ташкил этади.

Мамлакатимиз ёшларининг Интернетдан фойдаланиш ҳолатини таҳлил қилиб кўрсак: уларнинг 421 минг нафари «Одноклассники.ру», 129 мингга яқини «Facebook» сайтида, 165 мингдан ортиғи «Мой мир», 250 мингдан зиёди эса «Вконтакте.ру» сайтининг доимий фойдаланувчилари ҳисобланади. Ваҳоланки, Россия ИИБ томонидан «Вконтакте.ру» сайти Рунетдаги болалар порнетрафийасини сақловчи ижтимоий тармоқ сифатида тан олинган, «Одноклассники.ру» ва бошқа ижтимоий тармоқларда ҳам порнография ва шафқатсизликни тарғиб этувчи ресурслар мавжуд.

Экспертларнинг ҳисоб-китобларига кўра, бугун бутун жаҳон Интернет тармоғида ўз жонига қасд қилишнинг осон йўллари тарғиб қилувчи 9 млн, эротик мазмунга эга 4 млн.дан зиёд сайтнинг мавжудлиги ҳар биримизни мушоҳада қилишга ундаши табиий. Мутахассислар эътирофича, дунёдаги болалар ва ўсмирларнинг 42 фоизи «онлайн-порнография» таъсирига тушаётган экан. Ёки компьютерларга киритилган ўйинларнинг 49 фоизи зўравонлик ва ёвузликни, бешафқат урушлар, отишмалар, портлашларни тарғиб қилиши нимадан далолат беради?

Бу каби таҳдидлар, аввало, ёшларнинг онгини эгаллашга йўналтирилган бўлиб, халқимизнинг маънавий хазинаси бўлган одоб, ахлоқ, шарм-хаё, ифбат-андиша каби юксак фазилатларимизга тажовуз қилиб, кўп минг йиллик миллий қадриятларимизнинг илдизига путур етказаётгани ҳам, таассуфки, бор гап.

Ахборот узатиш, алмашиш ва қабул қилиш жараёнида тезкорлик, аниқлик, сифат ва таъсирчанликни таъминлаш, ахборотни дунё бўйлаб кенг ёйилиши имкониятини яратишда “Бугун жаҳон ўргимчак тўри” нинг аҳамияти катта ва айнан мана шу омил ундан фойдаланиш эҳтиёжини тобора орттирмоқда. Янги юз йилликда Ўзбекистонга ҳам интернет шиддат билан кириб келди ва кундалик ҳаётда ўз ўрнига эга бўлди. Фан-техника ютуқлари инсон манфаатлари, эзгу мақсадлар йўлида хизмат қилиши лозим, албатта. Бироқ айрим кучлар виртуал оламдан ғаразли ниятлари йўлида фойдаланилаётгани ҳам айна ҳақиқатдир.

Европа мамлакатларида интернет ҳам умумевропа қонунчилиги, ҳам ҳар бир давлатнинг ўз ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлари билан тартибга солинади. Масалам: “Кибер жиноятлар тўғрисида”ги Конвенция, “Вояга етмаганлар учун хавфсиз Интернет тўғрисида”ги Европа Иттифоқи парламенти Ассамблеясининг тавсиялари, Германия, АҚШ, Буюк Британия, Нидерландия, Франция каби илғор давлатларда вояга етмаган ва ёшларнинг ахборот хавфсизлигини таъминлашга қаратилган қонунлар шулар жумласидандир.

Интернетни чеклаб қўйиш ёки ахборот олишни тақиқлаш билан муаммо ҳал бўлмайди. Бу ҳусусда яна биринчи президентимиз “...ёшларимиз нафақат ўқув даргоҳларида, балки радио - телевидиния, матбуот, интернет каби воситалар орқали ҳам ранг - баранг ахборот ва маълумотларни олмоқдалар. Жаҳон ахборот майдони тобора кенгайиб бораётган шундай бир шароитда болаларимизнинг онгини фақат ўраб-чирмаб, уни ўқима, буни кўрма деб, бир томонлама тарбия бериш, уларнинг атрофини темир девор билан ўраб олиш, ҳеч шубҳасиз, замоннинг талабига ҳам, бизнинг эзгу мақсад - муддаоларимизга ҳам тўғри келмайди. Нега деганда, биз юртимизда очиқ ва эркин демократик жамият куриш вазифасини ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз ва бу йўлдан ҳеч қачон қайтмаймиз” [1].

XXI аср бошида ҳаёт суратларининг беқиёс даражада тезлашуви, ахборот оқимининг кучайиши оқибатида авторитар - нуфуз масаласи ҳам янгича маъно касб этаётир. Баъзи ёшлар ўзининг билим олиш ва ҳаётга муносабатини белгилашда ота - она, устоз - мураббийини эмас, ОАВ ҳамда интернетни авторитар сифатида эътироф этиши, улардаги ахборот ва маълумотларни мутлоқ чин деб ишониши ташвишланарли ҳолдир. Бугун ҳақиқатни уйдирмадан ажрата олмайдиган, бу борадаги ҳали тажрибаси ҳам бўлмаган ёшларнинг ҳаётий тушунча ва тасаввурларини асосан таълим - тарбия муассасаларининг иш фаолиятини қийинлаштириб қўймоқда.

Сир эмаски, интернет тез ва арзон ахборот ёки маълумот олиш, етказиш ҳамда қайта ишлашда беқиёс манба саналади. Кундан-кун сафи кенгайиб, фойдаланувчилар сони ортаётган мазкур тизим дунё ҳамжамиятининг ахборотга бўлган эҳтиёжини қондирмоқда. “Узоқни яқин қиладиган” манба сифатида қараладиган интернетнинг кўпроқ ёшлар кирадиган сайтларини тубдан янгилаш зарур. Сабаби — соғлом турмуш тарзини шакллантириш, юксак маънавият, пок

ахлоқ асосида ўғил-қизларни тарбиялаш вазифаси ана шуни таказо этади. “Оммавий маъданият” ниқоби остида ғарбона кийиниш, ғарбона муомала сингари миллий - маънавий қадриятларимизга зид ғоялар ёшларимиз онгини заҳарлашига лоқайд қараб туриб бўлмайди. Шунинг учун, айниқса, таълим тизимидаги сайтларнинг маълумотлар базасини соғлом тарзи талабларига мос равишда гиёҳвандлик, кашандалик, ичкиликбозликка қарши курашга оид ахборот-у маълумотлар билан бойитиш, янгилаш зарур.

Ёш авлодда бу жихатлар шу даражада шаклланган ва қарор топган бўлиши лозимки, улар виртуал маконда умуммиллий манфаатга хизмат қиладиган, унинг тараққиётига ёрдам берадиган ахборотни танлай олсин. Фақат шундагина, глобаллашув жараёнларида ёшларнинг маълумотларга кўр-кўрона эргашиш, уларни нотўғри талқин қилишининг олди олинади. Ахборот истеъмоли маданиятига эга ёшлар, салбий ва ноҳолис ахборотлар таъсирига тушиб қолмайди, чунки уларда бундай ахборотларга нисбатан мустаҳкам мафкуравий иммунитет шаклланади. Дунёда ёшлар камоли ҳақида қайғурмайдиган миллат, уларнинг келажаги учун жон қойитмайдиган давлат топилмаса керак. Ёшлар ҳар бир миллатнинг давомчилари бўлиши баробарида, давлатнинг таянчи, келажагини ҳал қилувчи куч сифатида намоён бўладилар. Аммо, шундай кучлар ҳам борки, улар ўз қарашларини сингдириш йўлида ҳар қандай усуллардан ҳам воз кечмайди. Бундай кучларнинг қўлида инсоният онгининг маҳсули бўлган энг юксак технологиялар, усуллар ҳам қурол воситасини ўтаётганлиги барчани ташвишга солади.

Айниқса, ҳозирги даврда интернет сайтларида ёшлар дунёқарашига ижобий таъсир қилувчи ахборотлар оқимидан ташқари бузғунчи ғоялар асосида шакллантирилган материаллар ҳам учраб туради. Интернет сайтларида ёшларга кучли таъсир этувчи ахборотларни қуйидагича таснифлаш мумкин.

Биринчи тоифадага ахборотлар сирасига ёт, бузғунчи ғоялар (диний экстремизм ва террорчилик ғоялари, миллатчилик, ирқчилик, садизм кабилар) ни киритиш мумкин.

Иккинчи тоифадаги ахборотлар эса ғарб ҳаёт тарзига хос, ўзбек менталитетига зид одатлар ва кўникмаларни тарғиб этади. Бу айниқса, ғарб ёшларининг кийиниши, одатларини тарғиб қилувчи мақолалар, клиллар, фильмларда яққол намоён бўлади.

Учинчи тоифага эса порнографик ахборотларни киритиш мумкин.

Туртинчи тоифага эса ҳали текширилмаган, ўз исботига эга бўлмаган турли хужумкор ахборотларни киритиш мумкин.

Интернет сайтларидан тарқатилаётган бу каби ёт ғоялар ва ахборотларни ёшлар томонидан қабул қилинаётганлиги ва унинг оқибатлари жахондаги барча мамлакатлари халқини ҳам ташвишга солмоқда.

Келгусида ёшларнинг ахборот муҳитидаги ижтимоий онгини мониторинг қилиш тизимини шакллантириш, “виртуал” ахборот худудида уларнинг устувор

нуқтаи-назарларини ўрганиш, келажак авлоднинг ахлоқий ривожланишига зарар етказувчи ахборотдан аҳолини ҳимоя қилиш, ўсиб келаётган авлоднинг медиа-саводхонлигини мунтазам ошириб бориш, ёшларнинг маънавиятига таъсир кўрсатувчи “оммавий мадалият” таҳдиди ва ёт оқимларнинг ҳақиқий моҳиятини очиб берувчи маълумотларни етказиш тизимини йўлга қўйиш бўйича фаолиятни янада ривожлантириш каби масалалар жамиятимиз олдида турган вазифалардан бўлиб қолади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И. А. Юксак маънавият - енгилмас куч. -Т.: Маънавият, 2008. 114-1156.
2. АКТ: тезкор қулай ва илғор // Халқ сўзи. – 2012. – 24 апрель.
3. Алоқа ва ахборотлаштириш масалалари муҳокамаси // Халқ сўзи. – 2012. – 24 июль.
4. Ismailov T.J, Tagaev X, Kholmatov P.K, Yusupov K.Y, Alkarov K.Kh, Orishev Zh.B Karimov O.O. (2020). Cognitive-Psychological Diagram Of Processes Of Scientific And Technical Creativity Of Students. *International Journal of Advanced Science and Technology*, 29(08), 3669-3677.
5. Orishev, Jamshid (2021) "PROJECT FOR TRAINING PROFESSIONAL SKILLS FOR FUTURE TEACHERS OF TECHNOLOGICAL EDUCATION," *Mental Enlightenment Scientific-Methodological Journal: Vol. 2021 : Iss. 2 , Article 16.*
6. Orishev, J., & Оришева, З. (2021). "METROLOGIK O'LCHOVLAR" MAVZUSINI O'QITISHDA NOSTANDART TESTLARDAN FOYDALANISH . *Физико-технологического образование*, 2(2).
7. Orishev, J. (2020). ГЛОБАЛЛАШУВ ДАВРИДА ПЕДАГОГЛИК МАСЪУЛИЯТИ . *Научно-просветительский журнал "Наставник"*, 1(1).
8. Xolmatov, P., & Оришев, Ж. (2020). ДАРСДАН ТАШҚАРИ МАШҒУЛОТЛАРДА ЎҚУВЧИЛАР КАСБИЙ ТАРБИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ. *Физико-технологического образование*, 1(1)
9. Xolmatov, P., & Оришев, Ж. (2020). УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАРНИ КАСБ-ҲУНАРГА ЙЎНАЛТИРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ. *Физико-технологического образование*, 1(1)
10. Оришев, Ж. Б. (2019). ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ИМКОНИАТЛАРИ. *Интернаука*, (43-2), 70-72
11. Убайдуллаев, С., Оришев, Ж. Б., & Ортиқова, О. Ш. (2019). УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМДА" ДАРСЛАРДА ЭКОЛОГИК ТАНАФФУС" ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯСИГА АСОСЛАНГАН ЭЛЕКТРОН ҚЎЛЛАНМАЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ. *Интернаука*, (20-3), 62-63.

12. Тагаев, Х., Убайдуллаев, С., Алкаров, К. Х., & Оришев, Ж. Б. (2016).
ПОВЫШЕНИЕ ПАТЕНТНЫХ ЗНАНИЙ В ПРОЦЕССЕ ОБУЧЕНИЯ.
In *Современные тенденции развития аграрного комплекса* (pp. 1776-1780).